

Намозни тарк қилганнинг насибаси йўқ



08:11 / 26.10.2019 2019

Мисвар ибн Махрама ҳикоя қилади: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуни пичоқлашгач, ҳушларидан кетдилар. Саҳобалар: «У кишини намоздан бошқа нарса билан уйғота олмайсизлар», дейишди. Атрофдагилар: «Эй мўминларнинг амири, намоз ўқиб бўлинди, уйғонинг», дейишлари билан Умар розияллоҳу анҳу ўзларига келиб, «Ё Аллоҳ! Намоз ўқишим керак, намозни тарк қилган кишининг Исломдан насибаси йўқ», дедилар. Кейин намоз ўқидилар, ҳолбуки, жароҳатларидан шундайгина қон оқиб турарди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан